

ХАЛОЛ БЎЛСА ТИШЛАГАН НОНИНГ!..

2020-yil 6-fevral, payshanba, 10 (1737)-son

ZAKH VAT



INTER FUTBOL

www.interfutbol.uz www.iff.uz

Gazeta 2001 yil sentabridan chiqa boshlagan



**ЭНДИ «ШЕРЛАР» ДАН
ОЧЛДА ШИДДАТ КУТАМИЗ**

10 ФЕВРАЛЬ. СОАТ 16:00

«ПАХТАКОР» - «ШАБАБ АЛ-АҲЛИ»

**АЗИЗ ҒАНИЕВ КУЧЛИ
ЛЕГИОНЕР СИФАТИДА
ДОНГ ТАРАТСИН!**

Sun&Sand Sports

ҲАЛОЛ БЎЛСА ТИШЛАГАН НОНИНГ!..



Футбол - миллионлар ўйини. Бу футбол ҳақидаги кўрсатувларни, эшиттиришларни, мақолаларни миллионлаб кишилар кўради, эшитади, ўқийди деганидир.

Демак, тўртинчи ҳокимият - оммавий ахборот воситалари вакиллари зиммасидаги вазифа янада масъулиятли. Улар ҳар бир сўзни айтишда, материал тайёрлашда теран таҳлил қилиши ва тўғри хулоса чиқариши керак. Айнан шундай ёндашув тўртинчи ҳокимият кадрини оширади, юртимизда футболни ривожлантиришга ва уни янада оммалаштиришга, ёш истеъдодларни кашф этишга ва уларнинг камолга етишига хизмат қилади. Бошқача йўл ҳам бор - арзимас натижаларга маҳлиё бўлиб, мақтов айтиб, ҳисоботлар ёзиб юравериш ҳам мумкин.

Бундан бир неча йил илгари битта спорт федерацияси президентининг халқаро аэропортда ташкил қилган тадбирида қатнашдим. Карнай-сурнай авжйда, кўксига осилган медаллардан буйини эгилган болаларга гулдасталар бериларди, зарбоф тўн кийдириларди. Федерация президентидан билдимки, «халқаро» мусобақага борган қатнашчилардан улар олган медаллар бир неча баробар кўп. Ундан сўрадим: «Мусобақада нечта давлатдан спортчилар қатнашди?». «32 жамоа иштирок этди», - дея гапни чалғитишга ҳаракат қилди. Саволимни қатъий такрорлагандим, мени билгани учун пичирлаб иқрор бўлди. Маълум бўлишича, шаҳарга яқин қишлоқдаги спорт клубининг очиқ биринчилиги ўтказилган ва унга ўша атрофдаги киш-

лоқлардан 31 жамоа тўпланган, ўттиз иккинчиси бизнинг терма жамоа бўлган. Спорт клубларининг бундай очиқ биринчиликлари ҳар куни дунёнинг юзлаб жойларида ўтказилади ва уларнинг аксариятини ўз мамлакатларида ҳам билишмайди. Афсуски, ўша тадбирдан кейин оммавий ахборот воситалари спортчиларимизнинг Ўзбекистонни дунёга танитгани, Ватанимиз шухратини оширгани тўғрисида жар солишди. Спортчиларимиздан баъзилари келгусида Олимпиада медалларини жонажон юртимизга олиб келишга ваъда беришди. Ҳолбуки, бу спорт тури Олимпиада дастурига киритилмаган ҳам.

Ўша спорт федерацияси президенти аллақачон ишдан кетди. Бироқ халқаро аэропортда карнай-сурнай билан кутиб олишлар, гулдаста тутишлар, зарбоф тўн кийдиришлар, кейин мақтов айтишлар қолди. Икки йил олдин 23 ёшгача бўлган футбол терма жамоамизни шундай тарзда кутиб олгандик, олқишлагандик. Қайси оммавий ахборот воситаси биринчиликдан олдин ёки мусобақа ўтаётган вақтда «Бу биринчиликда 2020 йилда Олимпиадага йўлланма бериладиган Осиё биринчилигига тайёргарлик кўриш керак эди» деб айтди? Осиёнинг бошқа давлатлари худди шу ишни қилишди ва бу йил мевасини олишди. Ҳатто айрим давлатлар бу биринчиликка жамоасини жўнатиб беҳуда вақтни ўтказмаслик учун тайёргарликни ўзларида давом

этиришди. Биз эса мақтов айтиш билан шугулландик.

Мутасаддиларимиз бу биринчиликда Осиё ўйинларига тайёргарлик кўргандик, дея эътироз билдиришар. Футболчиларимизнинг Осиё ўйинларидаги аҳволини кўрдик. Натижаларни эслаб, мухлисларнинг дардини янгиламоқчи эмасман. Мақтовга ўрганиб қолганмиз, футболчиларни, мураббийларни, мутасаддиларни яна аядик. Биламан, Осиё биринчилигида футболчиларимиз кучли тўртликка кириб, улкан муваффақиятга эришди, дегувчилар топилади. Чунки йўгини яширишга, озини оширишга ўрганганмиз. Лекин ҳозирги кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев улуғ мақсадларни белгилаб, маррани баланд олган вақтда Осиё биринчилигида тўртинчи ўринни эгалладик, дейиш асло ярашмайди.

Ахир, Таиландда ўтказилган Осиё биринчилиги дастлабки учта ўрин учун бўлганди, бошқа ҳар қандай ўринни эгаллаш мағлубият билан тенг эди. Юртимиз ва Австралия олимпия терма жамоалари ўртасидаги учрашувни кўрдик. Австралиялик бир футболчи бизнинг беш ўйинчимиз орасидан ўтиб, дарвозага гол урди. Бу гол ўтказилишида шу беш ўйинчи ва дарвозабон айбдор, яна майдонда бўлган қолган беш ўйинчи шундай вазият юзага келгани учун айбдор. Таассуфки, биз ўйинчиларни, шу аҳволда мусобақага олиб борган

мураббийларни, мутасаддиларни айблашга шошилмаяпмиз.

Олимпия терма жамоамизга ўйинчилар ихтиёрий равишда қўшилган, уларни ҳеч ким мажбурлаб ўйнатгани йўқ. Эҳтимол, айримлари олимпия терма жамоаси аъзоларига қўшимча маблағ тўланишини, мабодо, жамоа биринчилиқда кучли учликка қирадиган бўлса, машина ва мукофот берилишини ўйлаб келгандир? Лекин миясидан машина ва пул жой олган футболчи тўлақонли ўйнай олмайди, тез чарчайди. Ахир, мияда шунча юкни кўтариб юриш осон эмас. Агар миясида «Ўзбекистоним шаъни ҳамма нарсадан улуг, ўлсам, Таиланд яшил майдонида ўлсам, лекин юртимга халқимиз, Президентимиз кутган Олимпиада йўлланмасини олиб бераман», дея ўйлайдиган футболчимиз бўлганда эди... Австралия ва Саудия Арабистони билан бўлган, 180 дақиқадан ортиқ давом этган ўйинда битта гол урадиган футболчи топилмади. Уша битта гол Токио Олимпиадаси йўлланмасини берарди. Шундан кейин 23 ёшгача бўлган ўйинчиларимиз ўзбек футболга хос хужумкор ўйин кўрсатишди, деб айтмасдик.

Шундай кезларда машҳур қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг устози, таниқли болқор шоири Қайсин Қулиевга ёзган хотираси эсга тушаверади: «У ер юзини орзулар ушалган, бахтга йўғрилган ҳолда тасаввур қиларди. Бунга унинг етарлича асослари бор эди. Деҳқон омон билан ўйлаб, келгуси мўл ҳосил учун ер ҳайдаяпти. Боғбон ўзига умуман нотаниш одамларни мева билан таъминлаш умидида яшаяпти. Ўз турмуш тарзини шундай тасаввур қиладиган одамларгина вазифаларини ҳалол бажарадилар. Мана шундай ишларни гўё оддий турмуш ташвишлари билан яшаётган деҳқонлар, боғбонлар бажаришяпти».

Бозорга киринг, мева-сабзавотга тўла расталарни кўриб кўзингиз яшнайди. Бу деҳқон ва боғбонлар ўз вазифасини ҳалол бажараётганининг исботи. Улар ўз вазифасига ҳар йили шундай ёндашади. Бунинг эвазига машина ҳам, мукофот ҳам сўрашмайди. Аксинча, мўл ҳосил етиштириш учун ҳалол меҳнатидан ташкари сувга, минерал ўғитга, техникага ва ҳоказоларга ўзлари пул тўлайди. Чунки улар халқимизга мева-сабзавот кераклигини англагани учун ўз вазифасини ҳалол бажаришни бурчи деб билади.

Халқимизга Олимпиада медаллари ҳам керак. Тўрт йилда бир марта бўладиган мусобақага ҳатто йўлланма ололмайдиган ёки йўлланма олиб, спортчиси медалсиз қайтган федерациялардан «Нега вазифангизни ҳалол бажармаяпсиз?» деб сўрайдиган

вақт келди. Ахир, дунё миқёсида мамлакатнинг спортдаги ўрни Олимпиада медаллари сонига қараб баҳоланади. Шундай экан, спорт федерациялари фаолиятини Олимпиада ва жаҳон чемпионатларида қўлга киритилган медаллар сонига қараб баҳолашга ўтишимиз керак, зинҳор-базинҳор юқорида келтирилган «халқаро» мусобақа натижаларига қараб эмас. Ушанда спортчилари умуман Олимпиада ва жаҳон чемпионатларига бормаган (қачон бориши ҳам номаълум) футбол, волейбол, баскетбол каби федерацияларнинг ишламаётгани яққол кўзга ташланарди.

Спортчиларнинг халққа берадиган энг муҳим маҳсулот - Олимпиада медаллари. Шунинг учун уларга керакли шароитлар яратиб бериляпти. Ўрни, спортчилар давлат маблағи, ғамхўрлигида давлат қурган спорт иншоотларида, хорижий йиғинларда Олимпиадага тайёргарлик кўришяпти. Агар спортчилар тўрт йилда бир марта бўладиган турнирга йўлланма ололмаса ёки Олимпиададан қуруқ қайтиб келса, уларга нега маблағ сарфланяпти?

ўқув-машғулот йиғинлари, назорат учрашувлари ташкил этилди. Натижа - НОЛЬ. Яна Олимпиада йўлланмасидан қуруқ қолдик.

Таиландда Олимпиада йўлланмасидан қуруқ қолганимиз етмаганидек, «Локомотив» ва «Бунёдкор» клублари Осиё Чемпионлар Лигаси саралаш мусобақасидаёқ қатордан чиқишди. Демак, футбол соҳаси ислоҳга муҳтож. Кўпчилик асримиз бошида ўсмирлар, ёшлар терма жамоаларимизнинг жаҳон чемпионатларида қатнашганини эслаб туришяпти. Лекин айнан 2000 йилда футбол федерацияси таркиби тўлиқ янгиланганини ва ўсмирларимиз, ёшларимиз муваффақиятлари шу янгиланиш самараси эканини эслашмайди.

Тўғри, мустақиллик йилларида футболни ривожлантиришга қаратилган ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Уларда имтиёзлар, замонавий шароитлар яратиш белгиланди. Фақат уларда бир банд - тўрт йилда ўтказиладиган назоратларда ўз вазифасини ҳалол бажармаган футболчи, мураббий, ҳакам, мутасадди фут-



Америкалик юнон-рум кураши устаси Рулон Гарднер 2000 йили Сидней Олимпиадаси финалида енгилмас «Рус айиғи», уч қарра Олимпия чемпиони Александр Карелинини мағлубиятга учратгани учун спорт тарихидан муносиб ўрин эгаллади. Уша Олимпиададан кейин Гарднер ҳақида кўрсатув намойиш қилинди. У оддий иши - чорвачилик фермасида бидонлардаги сутни ташиш билан машғул эди. Иккита бидон кўтариб кетаётган Гарднер мухбирга бу иш унга олимпия чемпиони бўлишга ёрдам берганини таъкидлади. Холисанлилло айтинг, қайси спортчимиз бидонда сут ташиб ёки пахтазорда кетмон билан чопиқ қилиб, Олимпиадага тайёргарлик кўраяпти? 23 ёшгача бўлган футбол жамоамизга ҳам барча шароит яратилди - юртимизда ва хорижда

бол соҳасида ишлашдан бир умрга маҳрум қилинади, деб ёзилмаган. Ахир, имтиёз, яратилган шароитга яраша жавобгарлик ҳам бўлиши керак-ку!? Тўрт йилда натижа кўрсатмаган одам қанча бу соҳада юргани билан натижа кўрсатмайди, ишлайдиган бир одамнинг ўрнини банд қилади, ҳолос.

Футболимиздаги иллат - боқимандалик. Бу иллат дангасалик, беғамлик билан етаклашиб юради. Футбол эса майдоннинг ҳар қаричи учун қурашлардан иборат. Бундай қурашчанлик миллий чемпионатда тобланади. Миллий чемпионатимиз мурасиз қурашлар остида ўтапти, деб дадил айта оламизми? Нега футболимизда қурашчанлик йўқ? Нима қилади тўп

МУЛОҲАЗА

Давоми. Бошланиши 2-3-бетларда

учун курашиб, ҳоким «бова» ёки ҳокимий пул бериб турган бўлса? Агар футболчи ҳам, жамоа ҳам пулни ҳалол меҳнат қилиб, пешона тери билан топганда эди, ҳар бир тийиннинг, касбининг, мухлиснинг қадрига етган бўларди. Майдонда футболчилар астойдил тўп учун курашса, ҳозиргадai стадионлар бум-бўш бўлмасди, ишқибозлар билан тўларди. Мухлисларнинг стадионни тўлдириши ҳалол меҳнат билан топилган маблағ деганидир.

Ҳа, ҳалол меҳнат билан топилган нонни тишлашда ҳикмат кўп. Буни машҳур авар шоири Расул Ҳамзатовнинг кўйидаги ривояти тасдиқлайди: «Яқин ўтган замонда, Хунзах томонда Шангрей деган бадавлат ва ҳурматли киши яшаган экан. Унинг фаровон турмушдан талтайиб кетган ёлғиз ўғли бор экан. Шангрей ўғлининг овулдаги бошқа кишиларга ўхшаб ишлашини, меҳнатда суяги қотишини истар экан. Қариндошлари ва отасининг қадрдонлари уни жуда эркалийти юборган экан. Унга кимдир от. кимдир ханжар. кимдир камзул совға қилса, кимдир пул берар экан.

Бир кун Шангрей каттиқ касал бўлиб қолибди. Ҳеч қандай дори-дармон унга таъсир қилмабди. Қариндошлари ва қадрдонлари унга парвона бўлиб сўрашибди:

- Сенинг соғайиб кетишинг учун яна нима қилайлик?

- Мен дардимга нима дармон бўлишини биламан. Лекин сизлар бу орзу-ниятимни рўёбга чиқара олмайсизлар.

- Айт, қўлимиздан келган барча ишни қиламиз.

- Агар ўғлим ўзи меҳнат қилиб, беш сўм топса ва уни менга узатиб. «Ота, шу пулни олиб кўйинг» деса, ўшанда соғайиб кетаман.

Икки кундан кейин ўғил отаси ёнига келиб беш сўм узатиб деди:

- Ота, шу пулни олиб кўйинг. Мен

бу пулни қайсу дарасида дарахт кесиб топдим.

Ота бир ўғлига, бир пулга қаради. Кейин пулни оловга ташлади. Уғли сесканиб ҳам кўймади. Фақат юзига тарсаки тортилгандай, оқариб кетди. Аслида, бу пулни унга ёш бола нарса қийналиб юрмасин деб тоғаси берганди.

Бир неча кундан кейин ўғил яна касал отаси ёнига келиб, пул узатди:

- Гунибдаги янги йўл қурилишида ишлаб топдим.

Ота бир ўғлига, бир пулга қаради. Кейин пулни ғижимлаб, деразадан улуктирди. Уғли сесканиб ҳам кўймади. Маълум бўлишича, бу пулни унга отасининг қадрдони берган экан.

Уғил учинчи бор отасининг олдига келди ва учинчи бор беш сўмликни узатди. Отаси ўғлининг юзига ҳам қарамасдан беш сўмликни икки бўлак қилиб йиртиб, ерга ташлади. Шу заҳоти ўғил лочиндай ташланиб, ердан пул бўлақларини олди ва силаб-сийлаб тўғрилади. Отасига таъна қилди:

- Мен бу пулни оддий қоғоздай йиртиб ташлашингиз учун отхона тозалаб топганим йўқ. Қаранг, қўлларим қавариб кетди.

- Билдимки, сен бу пулни чиндан ҳам ишлаб топган экансан.

Шангрейнинг кайфияти кўтарилди, соғая бошлади ва тез кунда бутунлай тузалиб кетди. Уғли эса ҳалол меҳнат қилиб пул топиш ҳикмати уйғанди. Шундай, пулнинг қадрини уни ҳалол меҳнат қилиб топган одам билади».

Таъбир жоиз бўлса, футболимиз ўша ўғилдай дангасалик, боқимданлик касалига мубтало бўлган. Бу касалликка ўз вақтида эътибор берилмагани учун оғир формага ўтиб кетди. Энди бу касалликни даволаш учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, «ҲАЛОЛЛИК ВАКЦИНАСИ» БИЛАН ЭМЛАШ керак. Шунда футбол аҳли ҳам заҳматқаш деҳқонлардай, боғбонлардай ва бошқа касб эгаларидай ҳар қандай қийинчиликка қарамасдан ҳалол меҳнат қилиб,

халқимиз узоқ вақтдан буён кутаётган Олимпиада ва жаҳон чемпионатлари йўлланмаларини тақдим этади. Йўлланмани тақдим этиш нима бўпти, футболчиларимиз ўша нуфузли мусобақаларда майдоннинг ҳар қарич ери учун курашиб, халқимиз кутган чиройли уйинларни намойиш қилди, юртимизга медаллар билан қайтади! Ушанда музаффар футболчиларимиз шарафига халқаро аэропортда қанча карнай-сурнай чалсак, мақтансак ярашади.

Нега мен куйинчаклик билан ушбу мақолани ёзим? Негаки, жамоаларимизнинг Олимпиада ва жаҳон чемпионатлари финал босқичига чиқиши, чиройли уйин намойиш этиши, биринчи навбатда, иқтидорли ёш футболчиларимизга сув ва ҳаводай зарур. Агар ўз вақтида жамоамиз финал босқичига чиққанда эди, Миржалол Қосимов Россия жамоаларида эмас, Англиянинг «Манчестер Юнайтед» клубида ўйнаган бўлармиди. Одил Аҳмедов Хитой жамоасида эмас, балки ҳозир Испаниянинг «Барселона»си етакчи футболчисига айланармиди. Ҳа, Олимпиада ва жаҳон чемпионати финал босқичида чиройли уйин кўрсатмасдан дунё футболчи чўққисини забт этиш мумкин эмас. Ишончим комил, қачондир терма жамоаларимиз Олимпиада ва жаҳон чемпионатлари финал босқичида чиройли уйин кўрсатиб, дунёни лол қолдиради. Иқтидорли ўзбек футболчиси эса худди машҳур гроссмейстеримиз Рустам Қосимжонов жаҳон шоҳмот тожини қийганидай дунё футболчи чўққисини забт этади. Бунга эришишнинг йўли оддий - умр бўйи ҳалол яшаш керак, ҳар ким ўз бурчини ҳалол бажариши керак, ҳалол ишлаб топилган нонни тишлаши керак!

Асрор МҮМИН,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
журналист
Mamba: uza.uz

ҚАЧОНГАЧА ЮТҚАЗАМИЗ?

<p>Футбол кўриш севамиз, Жаннатмакон юртимиз. Бор гапни рост айтамыз, Очiq танқид қиламыз!</p> <p>Сиздан биз кутмагандик, Такрор яна алдандик. Футбол ўйнаш билмайсиз, Нега асло сезмайсиз?</p> <p>Орзулар заифлашди, Футбол бўлмади бундай. Асаблар таранглашди, Умидлар музлагандай.</p> <p>Мухлислар ғазабланди, Уйнаманг бефарқлардай. Ҳатолар такрорланди, Мағлубият чўктиргандай?</p>	<p>Мағлубиятга тўймайсиз, Элга ҳурмат шумиди? Курашишни билмайсиз, Қачонгача қийнайсиз?!</p> <p>Таиланд урса бешта гол, Биз ҳам қилдик «ўзбекча»! Мезбонга бериб бир гал, Урф-одат саҳийликда!</p> <p>Ҳожиакбар ўзгача, Ғайратли йигит анча. Бошқалар ўрناق олсин, Термада аниқ қолсин!</p> <p>Исломбек - пенальтичи, Термамининг сардори. Кўпдир унинг харидори, Очилгай иқтидори!</p>	<p>Жасур ҳам бўлсин ботир, Исмига монанд қодир. Ёшсан, ҳужумни қотир, Кўпга солмай хавотир!</p> <p>Тўхтасинов тўхтамасин, Захирада қолиб чош. Ишлат, укам, сен ҳам бош, Гол уришга доим шош!</p> <p>Бозоровнинг рейдлари, Жуда ёдда қоларли. Олисан урган голи, Жозибали, ҳалолли!</p> <p>Хатоларни қайтарма, Тоза ўйна, «технар»сан. Ҳиссиётга берилма, Ҳушёр бўлсанг ўсарсан!</p>	<p>Друлович бўш экан, Пуч ёнғоқдай йўқ экан. Аавалида гуруллади, Финалда қалтиради.</p> <p>Ўхшайди учар қушга, Кирмасин ҳеч ҳам тушга. Учсин энди уйига, Содиқ бўлсин элига!</p> <p>Раҳбарлар ҳам ўйласин, Иқтидорлар излансин. Олди-берди тугасин. Футбол тоза ўйнасин!</p> <p>Гулмжон ҲАМИДОВ, Тошкент шаҳри</p>
---	---	---	---



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/4362> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/4362> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4362>